

**МИРБОБО НАҚШБАНДИЙНИНГ “МИРЪОТУС СОЛИКИЙН”
 (“ТАРИҚАТ СОЛИКЛАРИНИНГ ОЙНАСИ”) ҚАСИДАСИ
ТАҲЛИЛИГА ДОИР**

Алишер Шавкатович РАЖАБОВ

ўқитувчи

Бухоро давлат педагогика институти

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада XVII аср охири XVIII аср бошларида шимолий Ҳиндистонда кечган диний-тасаввуфий жараёнлар натижаси ўлароқ вужудга келган нақшбандшуносликка оид “Миръотус соликийн” асари ва ундаги нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисида битилган ғазал тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: солик, тариқат, нақшбандия, кўлёзма асар, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирбобо Нақшбандий, машҳад, ошиқ, ориф, ҳаё.

**ОБ АНАЛИЗЕ КАСЫДЫ МИРБОБО НАКШБАНДИ “МИРЪОТУС
СОЛИКИЙН” (“ЗЕРКАЛО ВОЗДАЯНИЙ ПУТИ
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ”)**

Алишер Шавкатович РАЖАБОВ

преподаватель

Бухарский государственный педагогический институти

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется произведение “Миръотус соликийн” об учении суфизм, возникшем в конце XVII века и начале XVIII века в результате протекавших в Индии религиозно-суфийских процессов и содержащаяся в ней газель об основателе учения нақшбандия Баҳоуддине Нақшбанде.

Ключевые слова: воздаяние, учение, нақшбандия, рукописное произведение, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирбобо Нақшбанди, машҳад, влюбленный, образованный, стыдливость.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида “Тан олиш керакки, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка карагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойликни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл кўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос камдан-кам халқларга насиб этган. Биргина Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир кўлёмаларга дунё аҳли

хавас қилади. Биз бу ҳақиқатни ҳар томонлама теран англашимиз зарур. Буюк аجدодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур” [1].

Шундай аждодларимиздан бири Мирбобо Нақшбандий (тах. 1650–1715) бўлиб, унинг “Миръотус соликийн” (“Тарикат соликларининг ойнаси”) асари ўзбек илмий жамоатчилиги орасида ҳали тадқиқ қилинмаган.

Нақшбандия тарикати вужудга келганидан бошлаб, ҳозирги кунгача жаҳоннинг кўплаб юртларида ўзининг эргашувчиларига эга бўлиб келмоқда. Бу тарикат темурийлар даврида ўзининг танилиш даврини бошлаб, бобурийлар даврида Ҳиндистондаги мусулмонлар орасида ёйилган қодирия, чештия тарикатлари қаторида етакчи тарикатлардан бирига айланди. Унга эргашувчилар ва тарикат муршидлари бу тарикатнинг моҳияти ислом шариати устига қурилганини амалий ва маънавий жиҳатдан асосладилар. Айниқса, Имом Раббоний (1564–1624)нинг тарикатдаги улкан мақоми бу тарикатнинг Ҳинд заминида кенг илдиз отишига сабаб бўлди. Кейинчалик бу тарикат муршидлари асосан, унинг авлодларидан чикди. Уларнинг мактуботи, мақомоти кейинги тарикат издошлари учун назарий асос вазифасини бажарди. Бироқ, нафақат тарикат пирларининг асарлари нақшбандия соликлари учун дастурул амал бўлди, балки пирларнинг содиқ муридлари ва соликлари томонидан ҳам битилди. Шундай асарлардан бири Мирбобо Нақшбандий (тах. 1650–1715) томонидан ёзилган “Миръотус соликийн” (“Тарикат соликларининг ойнаси”) бўлиб, бу асар том маънода нақшбандия тарикатининг Ҳиндистондаги ривожига тўғрисида маълумот берадиган, форсий тилда битилган асардир. Унда муаллиф нафақат тарикат

моҳияти тўғрисида солиқларга маълумот беради, балки уларни кундалик ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар билан боғлаб, тариқат юзасидан таҳлил қилади.

Мирьотус соликийн” (“Тариқат солиқларининг ойнаси”) асари тўрт юз бетдан ортиқ саҳифани ўзида жамлаган нақшбандия тариқати тамойиллари асосида ёзилган камёб асарлардан бири бўлиб, бу асарнинг битта қўлёзма нусхаси Эроннинг Техрон университети марказий кутубхонасида 5629 рақами остида сақланмоқда.

Муаллиф Мирбобо ибн Мир Дарвеш Нақшбандий XVII асрнинг ўрталари ва XVIII асрнинг бошларида яшаб ижод этган, ўзи Имом Раббонийнинг невараси ва нақшбандия тариқатининг силсиладаги пири бўлган Мир Сайфуддин Раббоний (1639–1684) нинг шогирди ҳисобланади.

У асарини ўзига хос тўртлик усулида тузган. Бунда у китобни тўрт бобга, ҳар бир бобни эса тўрттадан фаслга бўлган. Боб ва фаслларга ном қўйиб, муайян мавзуларни ёритган. Унинг иккинчи боби “Нақшбандия тариқатининг олий силсиласи баёнида” деб номланиб, бу тариқатнинг келиб чиқиши ва муршидлари тўғрисида маълумот беради. Шу жойда у тариқат асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисида ёзатуриб, уни мадҳ қилган бир қасида бағишлайди. Мазкур қасида муаллифнинг ўз ижодидан бўлиб, бу орқали Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисидаги бадий ифодадан баҳраманд бўлиш билан бир қаторда муаллифнинг назмий савиясидан ҳам хабардор бўламиз.

Қола абдуз заиф Мирбобо:

*Сайёраи қибланома ҳастанд шоҳ Нақшбанд,
Ҳам ҳодийи роҳи нидо ҳастанд шоҳ Нақшбанд.
Ҳастам муриди бовафо, ман жону дил кардам фидо,
Дар роҳи он кони ҳаё ҳастанд шоҳ Нақшбанд.
Эй, орифон ушшоқи ту, вей, ошиқон муштоқи ту,
Дилхастагонро шуд даво ҳастанд шоҳ Нақшбанд.
Чун нофаи мушки маро, ин мазраъаи хушки маро,
Борони файзи кибриё ҳастанд шоҳ Нақшбанд.*

*Ман ошиқ дил додаам, дар роҳи ӯ афтодам,
Он авлиёи босафо ҳастанд шоҳ Нақшбанд.
Ў бо шариат шомил аст, андар тариқат комил аст,
Ноиб бажойи Мустафо ҳастанд шоҳ Нақшбанд.
Он исавий машираб бувад, сад ҳай зи жон ёфта,
Он машҳади нави Худо ҳастанд шоҳ Нақшбанд.
Чун Бобо они ӯ, жони хаста қурбони ӯ,
Дар роҳи Ҳақ Шамсуз Зуҳро ҳастанд шоҳ Нақшбанд [4].*

Таржимаси:

Заиф банда Мирбобо шунда дейди:
Қибламизни кўрсатувчи қибланамо шоҳ Нақшбанд,
Ҳидоятга сабабчи, ҳам роҳи ҳудо шоҳ Нақшбанд.
Унга муридман бовафо, жону дилим қилдим фидо,
Маърифат йўлида ҳар вақт кони ҳаё шоҳ Нақшбанд.
Ирфон аҳли ошиғингдир, ошиқларинг муштоғингдир,
Дилхасталарга ҳамиша бўлган даво шоҳ Нақшбанд.
Экинзорим хушкдир менинг, унда ўсган мушким менинг,
Ёмғиридан баҳраманд барча кибриё шоҳ Нақшбанд.
Мен бир ошиқ дилим бердим, унинг ҳақ йўлида турдим,
Авлиёлар ичра доим у бовафо шоҳ Нақшбанд.
Шариатда шомилдир у, тариқатда комилдир у,
Пайғамбар ўрнига ноиб эрур, огоҳ шоҳ Нақшбанд.
Исодек олий мақомнинг шарбатин нўш айлаган зот,
Исавий машҳадда янги зоти Худо шоҳ Нақшбанд.
Мирбобонинг хаста жони у зотнинг қурбони бўлсин,
Ҳақ йўлига бергай зиё, Шамси Зуҳро шоҳ Нақшбанд.

Мазкур қасида кичик ҳажмда бўлса-да, катта мазмунни ўзида ифода қилади. Қасидани ўқиётган киши аввало, буюк аждодимизнинг улуғ мақоми, юксак салоҳияти асрлардан–асрларга ўтиб, Мовароуннаҳрдан Ҳинд диёригача ёйилганини, шунингдек, у яратган таълимот ўз юртида қандай

эъзоз топган бўлса, ўзга юртларда ҳам шундай қадр топганлигидан воқиф бўлади. Бундан ташқари қасидада ишлатилган турли бадий ташбихлар ва диний истилоҳларнинг мазмунидан огоҳ бўлиш орқали Баҳоуддин Нақшбандга берилган тавсиф ва унвонлардан хабардор бўлади. Бироқ, айрим байтлар ва уларда ишлатилган диний-тасаввуфий истилоҳлар оддий ўқувчилар учун тушунишга қийинлик қилади. Масалан, еттинчи байтда келган “исавий машҳад” тушунчаси тасаввуфий истилоҳ бўлиб, унинг маъносини тасаввуф тарихи ва назариясидан яхши хабардор бўлган соҳа кишилари тушунади.

“Исавий машҳад” сўфийлар орасида валий кишининг эгаллаган рухий мақоми бўлиб, Хожа Муҳаммад Порсо устози Баҳоуддин билан бўлган бир воқеани унинг тилидан бунга мисол қилиб келтиради:

“Бир вақтлар толиби содиқлардан бўлган Муҳаммад Зоҳид билан ўтин чопиш учун саҳрога чиқдик. Қўлларимизда тешаларимиз ҳам бор эди. Бизда бир ҳолат пайдо бўлди. Тешаларимизни ташлаб, биёбон бўйлаб кетдик. Ўзаро турли мавзулардан сўзлашиб борар эдик. Сухбатимиз бориб убудият ва фидо бўлиш мавзусига тақалди. У мендан сўради: “Фидонинг энг юқори даражаси қандай бўлади?”. Мен дедим: “Бунинг энг чўққиси шундай бўладики, бунда дарвишга қараб: “Ўл”, десалар, у филҳол жон таслим қилади”.

Шу гапларни айтиб турган замонимда менда бир сифат пайдо бўлди. Муҳаммад Зоҳидга қарадим ва “Ўл”, дедим. Муҳаммад Зоҳид дарҳол чўзилди ва руҳи баданидан бутунлай ажралиб чиқди. Бир мунча вақт шу тахлит ўтди. Унинг жони чиққан, танаси ерда, юзи осмонга қараган ҳолда, оёғи эса қиблага узатилган ҳолда чоштвоҳдан кун оққунига қадар турди.

Ўша кун ҳаво ниҳоятда исиди. Офтоб мезон буржида эди. Бу сифат ишдан ғоят изтиробда қолдим, кўп ҳайратландим. Яқин жойда бир сояли жой бор эди. Шу сояда ҳайрон бўлиб ўтирдим. Яна қайтиб, унинг ёнига келдим. Унга қарадим. Унинг юзи иссиқнинг зўридан қорамтир рангга кира бошлаган эди. Ҳайратим яна ошди. Ногоҳ шу ҳайратда дилимда: “Эй, Муҳаммад,

тирил!”, деб айт”, деган бир илҳом пайдо бўлди. Мен шундай дедим. Унда ҳаёт асарлари зоҳир бўла бошлади. Тана аъзолари ҳаракат қила бошлади. Шу соатда қайта тирилди ва аслига қайтди.

Амир Кулол хизматларига қайтганимда бу қиссани уларга айтиб бердим. Ва: “Рух унинг баданидан ажралганида хайрон бўлдим”, дедим. Амир шундай дедилар: “Эй, фарзанд нега ўша хайрат ҳолида дарҳол “Тирил”, демадинг”. Мен дедим: “Илҳом етгандан кейин айтдим ва шундан сўнг у ўз ҳолига келди”.

Яна айтмишлар: “Валийларда бу каби сифат зухурга келганда улар исавий машҳад бўладилар, яъни ўликни тирилтиришларини Исо алайҳиссаломнинг руҳонияти воситасида амалга оширадилар” (30).

Султонул орифийн Абу Язид Бистомийнинг (Аллоҳ унинг руҳини муқаддас қилсин) муборак оёғи остида бир чумоли қолиб, ўлди. У чумолининг ўлганидан кўп таъсирланиб, дили оғринди. Шу пайт унинг дилига “Чумолига дам ур!”, деган илҳом бўлди. Дам урган эди, чумоли тирилди. Ана шу ҳолатда Абу Язид исавий машҳад эди” [2].

Мирбобо Нақшбандийнинг Баҳоуддин Нақшбанд шаънида айтган “исавий машҳад” сифати юқоридаги воқеага ишора бўлиб, унинг Исо пайғамбар руҳи даражасигача ўз руҳиятини тарбиялаганини англатади.

Бундан ташқари, қасидада яна “Шамси Зуҳо” истилоҳи қўлланилган бўлиб, бу асосан, шаръий маъно касб этса-да, мумтоз адабиётда сифатлаш учун кўп қўлланилади.

“Зуҳо” бу қўёш чиққандан кейин ўқиладиган бомдод ва пешин намозлари орасидаги намоз бўлиб, бу савоби улуғ ибодатлардан саналгани учун уни сўфийлар ўзлари учун вазифа қилиб олганлар ва доимий ўқиб борганлар. Форс тилида буни “чоштгоҳ намози” деб ҳам айтилади. Бу намознинг фазилатлари тўғрисида кўплаб ҳадислар ворид бўлган.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: "Кимки ўн икки ракаат зуҳо намози ўқиса, Аллоҳ унга жаннатда олтиндан бир қаср бино

килгайдир" (Термизий, Ибн Можа, Байхақий, Табароний, Баззор ва Ибн Абу Осим ривоят қилишган.).

Юқоридаги ҳадис қуйидаги кўринишда ҳам ривоят қилинган:

“Ким икки ракаат зуҳо намози ўқиса, ғофиллардан деб ёзилмайди. Ким тўрт ракаат зуҳо намози ўқиса, қаноатлилардан деб ёзилади. Ким олти ракаат зуҳо намози ўқиса, у ўша кун учун унга кифоя қилади. Ким саккиз ракаат зуҳо намози ўқиса, Аллоҳ таоло уни обидлардан деб ёзиб қўяди. Ким ўн икки ракаат зуҳо намози ўқиса, у одам учун Аллоҳ жаннатда бир уй барпо қилади”.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

–“Менга Халилим саллоллоҳу алайҳи васаллам уч нарсани васият қилганлар:

–ҳар ойда уч кун рўза тутмоқни, икки ракаат чошғоҳ – зуҳо намоз ва ухлашимдан олдин витр ўқимоғимни” (Бухорий, Муслим, Насоий ривоят қилишган. Худди шу ҳадисни Абу Дардоъ ҳам ривоят қилган).

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: “Сизларнинг ҳар бир аъзоингизга садақа вожибдир. Ҳар бир тасбиҳингиз – садақа, ҳар бир ҳамд айтишингиз – садақа, ҳар бир таҳлилингиз (“Ла илаҳа иллаллоҳ”, дейишингиз) – садақа, ҳар бир такбирингиз – садақа, яхшиликка буюришингиз – садақа, ёмонликдан қайтаришингиз – садақа. Энди буларнинг ҳаммаси учун икки ракаат зуҳо намоз ўқишингиз кифоядир”, дедилар. (Имом Муслим ривоятлари).

Шу ва яна бошқа ҳадислар бу ибодатни бажаришга тарғиб бўлиб, инсоннинг жисми 360 бўғиндан иборат бўлгани учун унга бу неъматларнинг шукронаси ўлароқ ҳар куни 360 садақа қилиш лозим бўлади, унинг икки рақъати 360 та садақага тенглаштирилган [3].

Мирбобо Нақшбандий бу истилоҳ билан Баҳоуддин Нақшбандни тариқатдаги аҳамиятини очиб берган. Зуҳо намози пайтида қуёш кўтарилиб,

олам нурга тўлгани каби Баҳоуддин Нақшбанд туфайли қанчалаб тариқат соликларининг кўнгли зулматдан ёришиб, нурга тўлади.

Мирбобо Нақшбандийнинг мазкур қасидаси илк бор тадқиқ қилинганлигини инобатга олиб, айта оламизки, нақшбандия тариқати вакиллари барча даврларда бу тариқат асосчиси бўлган Баҳоуддин Нақшбандга чексиз ҳурмат ва муҳаббат билан қараганлар. Унинг тариқатида садоқатли муршид ёки муридлар сифатида халқни тўғри йўлга бошлашга хизмат қилганлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи// “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 1 октябрь, № 207 (7709)
2. Хожа Порсо. Рисолаи қудсия. (Форс тилидан А. Болтаев таржимаси). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2020. – 84 б.
3. Зухо намози ва унинг фазилати // <https://masjid.uz/imomlar-ijodidan/2412-zuxo-namozi.html>
4. مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندى. خطى. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 130-131 ص. 5629